

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНING АЖРИМИ

2025 йил август ойининг 27 куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: Б.Вахобов,

ҳайъат судьялари: М.Абдубаннопов ва А.Омоновдан иборат таркибда, Т.Ибрагимовнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори С.Эрматов ва ҳимоячи И.Абдуллаевнинг иштирокида, XXXга оид жиноят ишини унинг тафтиш тартибидаги шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2024 йил 19 январдаги ҳукмига кўра:

1972 йил 30 декабрда Россия Федерациясида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишламаган, оилали, 2 нафар фарзанди бор, судланмаган, XXX-уй, XXX-хонадонда яшаган, қамок эҳтиёт чораси қўлланилган XXX

Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,246-моддасининг 1-қисми билан 5 йил, 251¹-моддасининг 3-қисми билан 7 йил, ЖК 59-моддасининг 3-қисми тартибида, 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 7 майдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур ҳукм билан XXX, XXX ва XXX ҳам судланган бўлиб, ишнинг уларга оид қисми бўйича тафтиш шикояти берилмаганлиги ва протест билдирилмаганлиги сабабли муҳокама қилинмади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521²-моддасига кўра, суд мажлиси жазони ижро этиш муассасасида бўлган маҳкум XXXнинг иштирокисиз ўтказилди.

Суднинг ҳукмига кўра, XXX, XXX, XXX ва XXXлар олдиндан тил бириктириб, XXX тақиқланган дори воситаларини Ўзбекистонга юбориши, XXX дориларни қабул қилиб, бошқарувидаги “Нексия 2” русумли 40U XXX RA давлат рақамли автомашинасида XXX ва XXXларга етказиб бериши, XXX ва XXXлар дориларни сотишга келишиб, XXXнинг талаби билан XXX томонидан контрабанда йўли билан юборилган 476 дона “тропикамид 10мл”



кучли таъсир қилувчи дори воситалари 2023 йил 18 августда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда, Қувасой шаҳар, “Хамдўстлик” МФЙ, Ибн Сино кўчасида ҳаракатланиб кетаётган ХХХнинг бошқарувидаги “Нексия-2” русумли автомашинадан топилган.

ХХХнинг ариза асосида давом этган тезкор тадбирда, 2023 йил 18 августда ХХХга махсус қоғоз кути “тузоқ” сифатида берилиб, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманида жойлашган “Версал” тўйхонаси олдида ХХХ ва ХХХлар ХХХдан “тузоқ”ни олганида ушланган.

ХХХнинг аризаси асосида 2023 йил 19 августда ўтказилган тезкор тадбирда, ХХХ Қувасой шаҳар “Полмон” МФЙда жойлашган “Ўзбекистон” божхона пости олдида ХХХдан 476 дона “тропикамид 10мл” кучли таъсир қилувчи дори воситалари эвазига 3.000 АҚШ долларини олганида ашёвий далил билан ушланган.

Судланган ХХХ тафтиш шикоятда, суд томонидан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар инобатга олинмасдан оғир жазо тайинлангани ҳақида важлар келтириб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда енгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси А.Омоновнинг маърузасини, прокурор С.Эрматовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи И.Абдуллаевнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукми ва апелляция инстанциясининг ажримини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Апелляция инстанцияси иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, ХХХнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар - судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганлиги, ўзининг айбига иқrorлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи ХХХ, гувоҳ ХХХ, ХХХ, ХХХ ва ХХХнинг кўрсатувлари, назорат остида етказиб бериш тезкор тадбири, юзлаштириш баённомалари, суд кимёвий ва суд тиббий экспертизаси хулосалари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар ва судда атрофлича муҳокама қилинган объектив далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топганлиги ҳақида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракати ЖК 28,246-моддасининг 1-қисми ва 251¹-моддасининг 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд томонидан ХХХга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандидаги ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва



ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

26-бандидаги, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилиши ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, шахси, судланмагани, оилавий шароитини, қилмишидан пушаймонлиги эътиборга олиш билан бир қаторда содир этилган жиноятнинг хусусиятига кўра аҳоли соғлиғига, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига жиддий таҳдид солиши, оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши, бошқа ижтимоий муаммолар келтириб чиқариши жиҳатидан ижтимоий хавфлилик даражаси юқори ҳисобланишини инобатга олиб, у айбланган жиноят учун модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, адолатли хулосага келган.

Шу сабабли, тафтиш инстанцияси суди, ХХХ томонидан оғир жиноят содир этилгани ҳамда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини назарда тутиб, унинг енгиллик бериш ҳақидаги важлари билан келишмади.

Суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар аниқланмади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521⁴-моддасида, тафтиш инстанцияси суди жиноят ишини кўриш натижаларига кўра биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини ўзгаришсиз қолдириш, тафтиш тартибида берилган шикоятни, протестни эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Шунга кўра, тафтиш инстанцияси суди ХХХга оид суд қарорлари моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлиги аниқланганлиги сабабли, суд ҳукмини ва апелляция инстанцияси суди ажримини ўзгаришсиз, тафтиш тартибида берилган шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Тафтиш инстанцияси суди, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 521⁴ ва 521⁶-моддаларига амал қилиб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

ХХХга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2024 йил 19 январдаги ҳукми ҳамда Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 7 майдаги ажрими ўзгаришсиз, тафтиш шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест



берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Б.Вахобов

Ҳайъат судьялари:

/имзо/

М.Абдубаннопов

/имзо/

А.Омонов

нусхаси аслига тўғри:

вилоят судининг судьяси

А.Омонов

